

# "Ўзбекистоннинг янги қарашлари туфайли ШХТ ривожланиш ташкилотига айланмоқда"



Аввал хабар қилганимиздек, Тошкентда ШХТнинг Самарқанд саммити якунларига бағишланган халқаро конференция ўз ишини бошлади. Саммитда Ш.Мирзиёев томонидан илгари сурилган умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлидаги Самарқанд бирдамлиги ташаббусига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми раиси Сиддхарт Саксена Ш.Мирзиёев бўлинган Марказий Осиёни бирлаштиргани, ҳамкорликда олға бориш учун ШХТдаги ҳамкорларини "Самарқанд руҳи"ни баҳам кўришга кўндирганини таъкидлади. "Ўзбекистоннинг янги қарашлари туфайли ШХТ ривожланиш ташкилотига айланмоқда", - дея таъкидлади Сиддхарт Саксена.

**Манба**